

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ ИЛҲОМ МАХМУДОВИЧ**

**ҒЎЗАНИНГ *G. BARBADENSE* L. ТУРИ ДУРАГАЙЛАРИДА  
ШОХЛАНИШ ТИПИГА БОҒЛИК ҲОЛДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК  
БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Расулов Илхом Махмудович**

Взанинг *G. barbadense* L. тури дурагайларида шохланиш типига боғлик  
қолда қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги .....5

**Расулов Илхом Махмудович**

Изменчивость хозяйственно-ценных признаков у гибридов хлопчатника  
*G. barbadense* L. в зависимости от типа ветвления.....21

**Rasulov Ikhom Mahmudovich**

Variability of agronomic-valuable traits at *G. barbadense* L. cotton hybrids  
depending on type of branching.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ ИЛҲОМ МАХМУДОВИЧ**

**ҒЎЗАНИНГ *G. BARBADENSE* L. ТУРИ ДУРАГАЙЛАРИДА  
ШОХЛАНИШ ТИПИГА БОҒЛИК ҲОЛДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК  
БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx94 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усманов Сергей Анварович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим.

**Расмий оппонентлар:**

**Наримонов Абдужалил Абдусаматович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Холмуродова Гўзал Рўзиевна**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 - рақамли илмий кенгашининг 2018 йил «19» май соат 13:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 535224 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, 1-қават. Тел.:(99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «5» майда тарқатилди.  
(2018 йил «31» мартдаги 12-рақамли реестр баённомаси)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Кейинги йиллардаги глобал иқлимнинг ўзгариши, турли зараркунандалар ва касалликларнинг агрессив популяцияларининг пайдо бўлиши ҳамда бошқа омиллар тола ҳосилдорлигига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун юқори ҳароратга бардошли, тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган янги донорларни селекция жараёнига жалб этиш орқали қимматли хўжалик белгилар ва юқори тола сифатига эга бўлган ингичка толали ғўза навларини яратиш борасидаги тадқиқотларни кучайтириш талаб этилади.

Хорижий пахтачилик давлатлари ва республикамиз ғўза генофондидаги *G.barbadense* L. турига мансуб намуналарнинг генетик потенциалидан фойдаланиш борасида амалга оширилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган кўплаб ингичка толали ғўза навлари яратилган. Бугунги кунда ҳам дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими ва сифати жаҳон андозаларига жавоб берадиган ингичка толали ғўза навлари селекцияси борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Эришилган ютуқларга қарамадан, *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навларини етиштирувчи пахтачилик давлатларида 2017 йилда етиштирилган умумий пахта толасининг 1,7 фоизи (422 минг тонна)ни ташкил этган ва 2001-2002 йилларга нисбатан қарийб икки бараварга камайиб кетган<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навлари селекциясида ҳосилдорликнинг элементларидан ҳисобланган бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, бир кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни, ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигининг шохланиш типлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш асосида юқори тола сифатига эга янги ингичка толали ғўза навларини яратиш борасидаги илмий-тадқиқотларнинг олиб борилиши долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 февралдаги ПҚ-2484-сон «Ўза навларини жойлаштириш ва пахта ҳосили етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ... яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> «The ICAC Recorder, March, 2018»

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўзанинг *G. barbadense* L. турида ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими ва сифати жаҳон андозаларига жавоб берадиган ингичка толали ғўза навлари селекцияси жараёнига янги донорларни жалб этиш борасида дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, United States of Department of Agriculture (USDA), Cotton Research Institute (Миср), Туркменистон пахтачилик илмий тадқиқот институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва бошқа илмий тадқиқот муассасаларида изланишлар олиб борилган.

Республикамызда В.А.Автономов, Ф.Сагдуллаев, Н.Г.Симонгулян, Ю.Ф.Узоқов, Р.Г.Ким, А.Б.Амантурдиев, П.Ш.Ибрагимов, М.И.Иксанов, С.А.Усмонов, Вик. А.Автономов ва хорижда К. W. Allard, W. H. Balls, N. G. Athin, K. B. Me Rae, M. G. Beil, E. R. Atkins каби олимлар томонидан асосий морфоҳўжалик белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлиги қонуниятларини ўрганиш ҳамда белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ғўза навларини яратишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, аксарият тадқиқотларда асосий эътибор ғўза ўсимликларининг асосий қимматли хўжалик белгиларига қаратилиб, *G. barbadense* L. тури дурагайларида шохланиш типига боғлиқ ҳолда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда улар орасидаги корелятив боғлиқликлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-074 «Селекция жараёнларини тезлаштириш технологияси (Фитотрон) SSD услуги ва янги гермплазма асосида йирик кўсақли, юқори тола чиқимига эга бўлган ингичка толали ғўза дурагай донорларини яратиш» (2006-2008 йй.); КХА-8-002 «Ғўзанинг ингичка толали *G. barbadense* L. турига мансуб, биотик ва абиотик омилларга бардошли тезпишар, юқори тола чиқимига эга, серҳосил, тола сифати I-типларга хос истиқболли тизмаларни яратиш ва уларни Давлат нав синаш комиссиясига топшириш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб дурагайларида морфобиологик ва хўжалик белгиларининг ирсийланишини, ўзгарувчанлигини, шохланиш типи билан белгиларнинг боғлиқлиги ўрганиш ҳамда улар асосида истиқболли оилаларни бошланғич ашё сифатида генетик-селекцион изланишларда фойдаланишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб ҳар хил шохланиш типига эга нав ва оилаларни бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва уларнинг очилиш суръатини аниқлаш;

*G.barbadense* L. турининг чекланган ва чекланмаган шохланиш типига эга бўлган оилалари ва навларини ўзаро чагиштиришдан олинган F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида морфобиологик ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзгарувчанлигини аниқлаш;

ингичка толали ғўза дурагайларида шохланиш типлари ва асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларда қимматли хўжалик белгилари билан шохланиш типини ўртасидаги корреляцияни аниқлаш;

тажрибалар асосида яратилган қимматли хўжалик белгиларига эга селекцион ашёларни ингичка толали ғўза навлари борасидаги генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш учун тавсия этиш;

конкурс нав синовида қимматли-хўжалик белгилари бўйича андоза навадан устун бўлган тизмани Давлат нав синовининг грунтназоратига тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб О-69, О-71 оилалари О-69 х Сурхон-16 ва О-69 х О-71 билан чагиштириб олинган F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> ўсимликлари ҳамда 9871-И нави ва О-84, О-85, О-86, О-87, О-88 оилалар, F<sub>1-3</sub> [F<sub>4</sub> (F<sub>8</sub> Л-817 х 010972) х Л-817) х Сурхон-16)] х СТ-175 дурагайлари иштирок этди. Шунингдек, тажрибада андоза нав сифатида Сурхон-9 навидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети** дурагайлашда йирик кўсақли, юқори тола чиқимига эга, тезпишар оила ва тизмалар, янги яратилган навлар, турли типдаги шохланишга эга бўлган шакллардан фойдаланилиш; шохланиш типларининг асосий қимматли хўжалик белгилари билан боғлиқлиги тўғрисида янги маълумотлар олиш имконияти яратилиши; F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> дурагай ўсимликларида морфоҳўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги, шохланиш типларининг қимматли хўжалик белгилар билан ўзаро коррелятив боғлиқликлари, тадқиқот натижалари асосида ажратилган оилаларнинг қимматли хўжалик белгиларини таҳлил қилинишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Генетик-селекцион таҳлиллар қабул қилинган «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» ёрдамида амалга оширилган. Барча амалий-тадқиқотлар натижалари, белгиларнинг рақамли кўрсаткичлари, вариацион-статистик таҳлиллар, корреляция коэффициентлари Б.А.Доспехов (1979) услублари бўйича ишловдан ўтказилди. Доминантлик даражаси M.G.Beil, E.R.Atkins (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб йирик кўсақли ва юқори тола чиқимига эга бўлган янги донорлари асосида генетик-селекцион изланишларда қўлланиладиган дурагайлар олинган;

чекланган шохланиш типига эга О-69 донори ва чекланмаган шохланишга эга О-71 оиласи ўрганилган хўжалик учун қимматли белгилар бўйича донорлик хусусиятига эга эканлиги аниқланган, ушбу донорлар ва Сурхон-16 нави билан оддий дурагайлаш асосида яратилган F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> ўсимликларида белгиларнинг коррелятив боғлиқликлари аниқланган;

ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб ўсимликларда шохланиш типи билан асосий хўжалик белгилари ўртасида кучсиз ижобий ва салбий корреляция мавжудлиги аниқланган;

F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида ўсув даври, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги, бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги ҳамда 1000 дона чигит вазни белгилари бўйича ўсимликларнинг шохланиш типи билан боғланмаган ҳолда, ҳосил шохлари сони, бош поя баландлиги ва тола чиқими белгилари эса, шохланиш типига боғлиқ ҳолда тақсимланиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

чекланган шохланиш типига эга бўлган О-96, О-98, О-104, О-105 оилалари битта кўсакдаги пахта вазни (4,3 – 4,9 г) ва 1000 дона чигит вазни (121,2 – 133,8 г), тола чиқими (37,4 – 41,3 %); О-10, О-12, О-18, О-22, О-53, О-54 оилалари битта кўсакдаги пахта вазни (3,6-4,3 г) ва 1000 дона чигит вазни (112-121 г), тола чиқими (37,4 – 40,9 %), тола узунлиги (39,4-42,2 мм) белгилари бўйича ва чекланмаган шохланиш типига эга бўлган О-160, О-162, О-223, О-235, О-276 оилалари битта кўсакдаги пахта вазни (3,6 – 4,4 г) ва 1000 дона чигит вазни (108,0 – 135,1 г), тола чиқими (35,2 – 40,0 %) белгилари бўйича юқори кўрсаткичларига эга бўлганлиги сабабли амалий селекцияда бошланғич манба сифатида фойдаланишга тавсия этилган;

чекланган шохланиш типига эга бўлган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати I-типга мансуб ингичка толали ғўзанинг С-7721 нави яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани; олинган маълумотларни қайта ишлашда вариацион-статистик таҳлиллар ўтказилгани ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши; халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги; олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларда морфобиологик ва хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлигини ўрганилганлиги, шохланиш типлари ва қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги ўзаро коррелятив боғлиқликлар аниқланган, ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб йирик кўсакли ва юқори тола чиқимига эга бўлган янги донорлар генетик-селекцион изланишларга жалб қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти изланишлар асосида ғўзанинг чекланмаган ва чекланган шохланиш типларига мансуб, қимматли хўжалик

белгиларнинг юқори кўрсаткичлари, бир дона кўсак ва 1000 дона чигит вази, тола чиқими ва тола сифати юқори янги селекцион оилаларининг яратилганлиги, шунингдек қимматли хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлган С-7721 янги ингичка толали ғўза нави яратилганлиги ва уларнинг амалий селекция жараёнига бошланғич ашё сифатида тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзанинг *G. barbadense* L. тури дурагайларида шохланиш типига боғлиқ ҳолда қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

*G. barbadense* L. турига мансуб йирик кўсакли ва юқори тола чиқими эга бўлган янги донорларнинг генетик-селекцион изланишларига жалб қилиш натижасида ингичка толали ғўзанинг С-7721 нави яратилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 24.01.2018й., № 07/20-90-сон маълумотномаси). Ушбу яратилган янги ингичка толали ғўза нави чекланган шохланиш типига эга бўлиб тола сифати I-типага мансуб, тола чиқими 35,5 % ни ташкил этган.

*G. barbadense* L. турига мансуб йирик кўсакли ва юқори тола чиқими эга бўлган янги донорларни генетик-селекцион изланишларда қўллаш натижасида ингичка толали ғўзанинг чекланган шохланиш типига эга бўлган О-96, О-98, О-104, О-105, О-10, О-12, О-18, О-22, О-53, О-54 ва чекланмаган шохланиш типига эга бўлган О-160, О-162, О-223, О-235, О-276 оилалари яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 24.01.2018 й., № 07/20-90-сон маълумотномаси). Мазкур оилалар генетика ва селекция соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 1 та халқаро, ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашларда 3 та мақола, шундан 1 та хорижий журналларда, республика журналларида 2 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг хажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби, кириш тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация хажми 120 та саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот

натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дўзанинг дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлиги бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимларининг ўза селекциясида ҳар хил шохланиш типига эга бўлган бошланғич ашё устида, ўза дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва ўза дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказиш шароити, бошланғич ашё ва тадқиқотлар услуги**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, ўтказиш услуги, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар, ҳисоблашлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Ҳар хил шохланишга эга бўлган навлар, оилалар ҳамда F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>, F<sub>3</sub> дурагайларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ҳар хил шохланишга эга бўлган навлар, оилалар ҳамда F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>, F<sub>3</sub> дурагайларнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари тавсифи, ўзгарувчанлиги таҳлили ёритилган.

Дрганилган F<sub>1</sub> ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни оралик ҳолатда ирсийланиб, ўртача 3,8г ни ташкил этди. F<sub>1</sub> ўсимликларида ушбу белги бўйича олинган натижалар, О-69 кўрсаткичидан 1,7 грамга паст, Сурхон-16 навидан ва О-71 оиладан 0,4-0,7г юқори бўлганлиги аниқланди. О-71 оила иштирокидаги комбинация ўсимликларининг барчаси чекланмаган шохланиш типига эга бўлди. Иккита комбинацияда битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг оралик ҳолатда ирсийланиши кузатилди. Чекланган шохланиш типига эга бўлган комбинацияда бу ҳолат ижобий бўлса, чекланмаган хили шохланишга эга бўлган комбинацияда салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолати қайд этилди.

F<sub>1</sub> дурагай О-69 х Сурхон-16 комбинациясида тола чиқими бўйича ўртача кўрсаткич 38,1% ни ташкил этиб, F<sub>1</sub> дурагай О-69 х О-71 комбинацияларига ва ота-она шаклларига нисбатан 1,6-3,2% га юқори бўлди. Сурхон-16 нави иштирокида олинган F<sub>1</sub> дурагай комбинациясида тола чиқими бўйича ижобий гетерозис ҳолати ва чекланмаган шохланиш типигаги F<sub>1</sub> комбинациясида тўлиқсиз доминантлик ҳолати кузатилди.

Дрганилган F<sub>1</sub> комбинациялари ва ота-она шаклларида тола узунлигининг ўртача кўрсаткичлари орасида сезиларли даражадаги фарқланиш кузатилди ҳамда мос равишда 38,8-41,0мм ни ташкил этди. Комбинацияларда тола узунлиги белгисининг ирсийланиши бўйича салбий гетерозис ҳолати намоён бўлди.

F<sub>1</sub> дурагайларда 1000 дона чигит вазни оралик ҳолатда ирсийланиб, 129,6-135,1 г бўлганлиги ва Сурхон-16 нави ва О-71 оиласига нисбатан 25,0-27,8 граммга юқори бўлиб, О-69 кўрсаткичидан 20,3-25,8 граммга кам бўлганлиги кузатилди.

О-71 оила иштирокида олинган  $F_2$  комбинациясида 61% чекланмаган ва 39% чекланган шохланиш типига эга ўсимликларнинг ажралиб чиқиши кузатилди.  $F_1$  дан фарқли равишда  $F_2$  ўсимликларининг йирик кўсакли бўлиши кузатилди. Чекланган шохланиш типига эга ўсимликларда битта кўсагдаги пахта вазнининг ўртача кўрсаткичи 4,1–4,3г бўлди.  $F_2$  Сурхон-16 нави иштирокидаги комбинациянинг белги бўйича ўзгарувчанлик чегараси анча кенг бўлиб, тегишли равишда кўрсаткич 2,2–6,6 граммни, чекланмаган шохланишга эга оила иштирокидаги дурагай комбинациясида эса 2,2–6,1 граммни ташкил этди.

Биринчи авлоддаги каби  $F_2$  да ҳам О-71 оиласи иштирокида олинган комбинацияларда тола чиқими кўрсаткичлари 1,7% га паст бўлди. Ўрганилган комбинацияларнинг тола чиқимидаги фарқланиш чегараси эса 26,0–41,9% ни ташкил этди. Дурагай ўсимликларнинг 1,8–10,2 фоизи ота-она шакллариغا нисбатан 2–5% гача кўпроқ тола чиқимига эга бўлди. Ота-она шаклларининг тола чиқими кўрсаткичи сезиларли даражада фарқланмади, уларнинг ушбу белги кўрсаткичи 36,1–36,4 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, О-69 оиласи тола чиқими кўрсаткичи юқорилиги ва 1000 дона чигитнинг вазни 155,4–156,6г бўлиши билан ажралиб туради. Ўрганилган  $F_2$  комбинацияларида тола узунлигининг ўртача кўрсаткичлари 38,3–39,9 миллиметрга тенг бўлиб, ўзгарувчанлик чегараси комбинациялар чатиштирувига кўра сезиларли даражада фарқ қилмади ва мос равишда кўрсаткич 32,0–45,0мм бўлганлиги аниқланди.

Лекин, Сурхон-16 нави иштирокидаги комбинация ўсимликларининг кўпчилигида тола узунлиги бўйича 40,0–45,0 миллиметр натижа кузатилиб, бу эса белгининг ўртача кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатди.

Дурагайларнинг 34,2–60,0% ўсимликларида, яъни трансгрессив ўсимликларда тола узунлиги 40,0 миллиметрдан узун бўлди. 1000 дона чигит вазнининг ўртача кўрсаткичи дурагай комбинацияларда 129,9–133,4 граммни, ота-она шаклларида 104,2–110,1г ва донорларда эса 156,6 граммни ташкил этди. 1000 дона чигит вазнининг ўзгарувчанлик чегараси комбинациялар чатиштирувига кўра фарқланмади ва ушбу кўрсаткич 101,0–180,9г оралиғидан ўрин олди. Ўрганилган  $F_2$  дурагай комбинацияларида шохланиш типига боғланмаган ҳолда 1000 дона чигит вазни 129,1–133,4г бўлгани аниқланди.

Нав, О-71 оила ва  $F_2$  ўсимликларида ўсув даври бўйича деярли катта фарқланиш кузатилмади ва кўрсаткичлар 110–113 кун бўлганлиги кузатилди. О-69 оиласи ўсув даври бўйича бирмунча юқори кўрсаткични (126 кун) намоён қилди. Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича энг юқори натижа О-71 оиласида кузатилди ва белги кўрсаткичи 38,2 донага тенг эканлиги аниқланди.  $F_2$  О-69 х Сурхон-16 чекланган шохланиш типига эга бўлган комбинацияда бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони 32,7 донани ташкил этди.

Бу натижа чекланмаган шохланиш типига эга бўлган комбинацияга нисбатан 1,1–6,9 дона кўп кўсақ тўпланганлигидан далолат беради.

$F_3$  ўсимликларида битта кўсагдаги пахта вазни 4,0–4,1г оралиғида бўлиб, чатиштиришда бошланғич ашё сифатида иштирок этган Сурхон-16 нави ва О-71 оиласидан 0,8–1,0 граммга юқори, О-69 оиласига нисбатан эса 0,5–0,6 грамм паст кўрсаткични намоён қилди.  $F_3$  ўсимликларининг битта кўсагдаги пахта вазни

белгисининг ўзгарувчанлик чегараси 2,7–6,1г оралиғида бўлиб, ўзгарувчанлик даражаси 11,9–13,0% ни ташкил этди.

Тола чиқими бўйича ота-она шакллари ва  $F_3$  ўсимликлари кўрсаткичлари ўртасида деярли катта фарқланиш кузатилмади ва тегишли равишда натижалар 34,8–37,6% ни ташкил этди. Тола чиқими бўйича  $F_3$  ўсимликларида ўзгарувчанлик чегараси 32,0–43,9% атрофида бўлиб, ўзгарувчанлик даражаси 6,46–7,25% га тенглиги аниқланди.  $F_3$  ўсимликлари орасида О–69 х Сурхон–16 чекланган шохланиш типига эга бўлган комбинациясида тола чиқими кўрсаткичи 37,6% га тенг бўлди.

Юқоридаги ҳолат тола узунлиги белгиси бўйича ҳам намоён бўлди. Яъни, ота-она шакллари ва  $F_3$  ўсимликларида тола узунлиги кўрсаткичлари 39,2–42,0 миллиметрни ташкил этиб, ўзгарувчанлик чегараси 36,0–45,9мм, ўзгарувчанлик даражаси эса 4,58–5,55% оралиғида бўлди.

1000 дона чигит вазни бўйича энг паст кўрсаткич (110,1г) О–71 оиласида қайд этилди. Энг юқори натижа эса О–69 оиласида кузатилиб, мос равишда кўрсаткич 148 граммни ташкил қилди.  $F_3$  ўсимликларида белгининг ўртача кўрсаткичи 127,9–130,9г оралиғида бўлиб, уларда ўзгарувчанлик чегараси 101–170 граммгача, ўзгарувчанлик даражаси эса 8,79–10,3% атрофида бўлди.

Сурхон–16 нави, О–71 оиласи ва ушбу оила ота шакл сифатида иштирок этган  $F_3$  ўсимликларида ўсув даври белгиси бўйича катта фарқланиш кузатилмади ҳамда ушбу белгининг ўртача кўрсаткичлари 128–129 кунни ташкил қилди. О–69 оиласида кечпишарлик намоён бўлди (135 кун).  $F_3$  ўсимликларининг ўсув даври белгиси бўйича ўзгарувчанлик чегараси 119–138 кун оралиғида бўлиб, белгининг ўзгарувчанлик даражаси 2,29–2,56% ни ташкил этди.

Ҳосил шохлари сони белги бўйича энг юқори кўрсаткич (37,2 дона)  $F_3$  О–69 х Сурхон–16 комбинациясида кузатилди.  $F_3$  ўсимликларида ҳосил шохлари сони белги бўйича ўзгарувчанлик чегараси 11–46 донани ва ўзгарувчанлик даражаси эса 21,4–25,4% ни ташкил қилди.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич (36,2 дона) О–71 оиласида қайд этилди.  $F_3$  ўсимликларида ушбу белги кўрсаткичлари 21,7–33,4 дона оралғида бўлиб, ўзгарувчанлик чегараси 8–48 донани, ўзгарувчанлик даражаси эса 24,1–42,3% ни ташкил қилди.

**« $F_2$ - $F_3$  дурагайларда шохланиш типи ва асосий қимматли хўжалик белгилари орасидаги боғлиқлик нисбатлари»** деб номланган 3 бобнинг тўртинчи қисмида  $F_2$  О–69 х Сурхон–16 комбинациясида селекция нуқтаи назаридан қараганда, фойдали ўсимликлар кўпроқ учраганлиги, яъни 61% ўсимликнинг тола узунлиги 40 миллиметрдан юқори ва 55% ўсимликнинг битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 грамм дан юқори бўлгани кузатилди.  $F_2$  О–69 х О–71 комбинациясида чекланган шохланиш типига эга ўсимликларнинг 50% ида, чекланмаган шохланиш типигадаги ўсимликларнинг эса 41% ида битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан ортиқ эканлиги аниқланди. Чекланган ва чекланмаган шохланиш типига эга дурагай комбинациялари орасидан тола узунлиги кўрсаткичлари 40 миллиметрдан юқори бўлган ўсимликларнинг сони деярли бир хил бўлиб, шохланиш типига қараб 37% ва 33% ни ташкил этди.

Амалий селекция учун тола узунлиги 40 миллиметрдан юқори бўлган ўсимликлар катта аҳамиятга эга. F<sub>2</sub> O-69 х Сурхон-16 комбинациясида тола узунлиги 40-41мм бўлган синфда битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг ўзгарувчанлиги юқори бўлган ўсимликлар кузатилди ва бу кўрсаткич 2,2-2,6 граммдан 5,7-6,1 граммни ташкил қилади. Тола узунлиги 42-43мм ва 44-45мм бўлган синфда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин.

F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясининг чекланган ва чекланмаган шохланиш типига эга ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг ўзгарувчанлик чегарасида сезиларли даражадаги фарқланиш кузатилмади.

Бирок, чекланмаган шохланиш типига эга ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 2,7-3,1 граммни ташкил этган ўсимликлар кўпроқ учраганлиги қайд қилинди. F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясининг чекланган шохланиш типигадаги ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7-5,1г ва чекланмаган шохланиш типига эга ўсимликларда эса ушбу белги кўрсаткичи 2-5,1 граммни ташкил этадиган ўсимликлар сони кўпроқ эканлиги аниқланди. F<sub>2</sub> O-69 х Сурхон-16 комбинациясининг 90% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7-4,1г ва ундан юқори, F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясининг чекланган шохланиш типигадаги 75% дан ортиқ ўсимликларида ва чекланмаган шохланиш типига эга 35% ўсимликларда белги бўйича паст кўрсаткич қайд этилди.

1, 2, 3-расмларда F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни ва ўсимликларнинг шохланиш типи билан ўзаро боғлиқликлари келтирилган.


F<sub>2</sub> дурагай ўсимликларидаги битта кўсақдаги пахта вазни ва тола чиқимининг шохланиш типи билан ўзаро боғлиқликлари нисбатлари ҳам ўрганилган.

F<sub>2</sub> O-69 х Сурхон-16 комбинациясининг 75,9% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари 3,7-5,1г, 62,6% ўсимликларда тола чиқими кўрсаткичлари 34% дан юқори бўлганлиги қайд этилди. F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясида чекланган шохланиш типига мансуб 77,9% ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 3,7 граммдан ва 38,9% ўсимликларда эса тола чиқими 34% дан юқори эканлиги аниқланди.


F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясининг чекланмаган шохланиш типига мансуб 65,9% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7г ва 31,7% ўсимликларда тола чиқими 34% дан юқори бўлганлиги тажриба натижаларида аниқланди. Тола чиқими 34-35% дан, битта кўсақдаги пахта хом ашёси вазни 4,2 граммдан юқори бўлган синфларда ўсимликларнинг кўплаб учраш ҳолати F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясидаги чекланган шохланиш типига эга бўлган шаклларида ҳам кузатилди. Олиб борган тажрибаларимизда ўрганилган дурагай комбинацияларининг чекланган шохланиш типига эга бўлган шаклларида битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори бўлган ўсимликларнинг сони тенг бўлиши кузатилди.

F<sub>2</sub> O-69 х Сурхон-16 комбинациясида тола чиқими 38-39% ни ташкил этган ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 2,7-3,1 граммдан 5,2-5,6 граммгача бўлиб, белги бўйича кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик қайд этилди. F<sub>2</sub> O-69 х O-71 комбинациясининг чекланган шохланиш типига эга бўлган


Ўсимликларида ўрганилаётган белги кўрсаткичи 2,7–3,1 граммдан 4,2–4,6 граммгача бўлгани ҳолда, чекланмаган шохланиш типигаги ўсимликлар фақат иккита синфга ажралди.



**1-расм. F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида битта кўсаддаги пахта вазни, тола узунлиги ва ўсимликларнинг шохланиш типигаги ўзаро боғлиқлик нисбатлари**



**2-расм. F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида битта кўсаддаги пахта вазни, тола чиқими ва ўсимликларни шохланиш типигаги ўзаро боғлиқлик нисбатлари**



**3-расм. F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида битта кўсаддаги пахта вазни, 1000 донга чигит вазни ва ўсимликларни шохланиш типигаги ўзаро боғлиқлик нисбатлари**

Изоҳ: 1. F<sub>2</sub> O-69 x Сурхон-16 чекланган шохланиш типигаги ўсимликлар; 2. F<sub>2</sub> O-69 x O-71 чекланган шохланиш типигаги ўсимликлар; 3. F<sub>2</sub> O-69 x O-71, чекланмаган шохланиш типигаги ўсимликлар.

Яъни, чекланмаган шохланиш типигаги ўсимликларнинг биринчи синфида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7–4,1 граммга ва иккинчисига эса 4,2–4,6 граммга тенглиги аниқланди. Тола чиқими 40–41% ни ташкил этган ўсимликлар фақатгина F<sub>2</sub> O-69 x Сурхон-16 комбинациясида кузатилиб, бу ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 3,7–4,1г ва 4,2–4,6 грамм эканлиги қайд қилинди.

F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларидаги битта кўсақдаги пахта вазнининг, 1000 дона чигит вазни ва ўсимликларнинг шохланиш типи билан боғлиқлик нисбатлари ўрганилган. F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларга боғлиқ бўлмаган ҳолда 1000 дона чигит вазни 101–170г оралиғида бўлиб, 67,7–76,1% ўсимликларда белги кўрсаткичлари 121–150г ни ташкил қилди. F<sub>2</sub> O-69 x Сурхон-16 ва F<sub>2</sub> O-69 x O-71 дурагайлариининг чекланган шохланиш типига эга бўлган 41,6–42,6% ўсимликларида, F<sub>2</sub> O-69 x O-71 дурагайининг чекланмаган шохланиш типигаги ўсимликларининг 28,6 фоизига битта кўсақдаги пахта вазни 4,2г ва 1000 дона чигит вазни 121-150г бўлиши қайд этилди.

Битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори ва 1000 дона чигит вазни 121–150г бўлган ўсимликлар сони шохланиш типига боғлиқ ҳолда бўлиши кузатилди. Масалан, битта кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни бўйича юқоридаги кўрсаткич F<sub>2</sub> O-69 x Сурхон-16 ва F<sub>2</sub> O-69 x O-71 дурагайлариининг чекланган шохланиш типига эга бўлган 50,4–54,6% ўсимликларида ва F<sub>2</sub> O-69 x O-71 дурагайининг чекланмаган шохланиш типигаги 41,6% ўсимликларида намоён бўлди.

F<sub>3</sub> ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазнининг тола узунлиги ва шохланиш типи билан ўзаро боғлиқлик нисбатлари ўрганилганда, F<sub>3</sub> O-69 x Сурхон-16 комбинациясининг 60,4% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7–5,6г, тола узунлиги эса 40 миллиметрдан юқори бўлган шакллари ҳам учраши мумкин. F<sub>3</sub> O-69 x O-71 комбинациясининг чекланган шохланиш типига мансуб 49,3% ўсимликларида ва чекланмаган шохланиш типигаги 47,8% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7 граммдан, тола узунлиги эса 40 миллиметрдан юқори бўлганлиги аниқланди.

F<sub>3</sub> O-69 x Сурхон-16 комбинациясида битта кўсақдаги пахта вазни 4,2-4,6г ва тола узунлиги 40мм дан ортиқ бўлган синфда 18,6% ўсимликлар, ҳамда 4,7–5,6г бўлган синфдан эса 7,6% ўсимликлар ўрин олганлигини кузатиш мумкин. F<sub>3</sub> O-69 x O-71 комбинациясининг чекланган шохланиш типига мансуб шакллариини 22,8% ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 4,2–5,1г, тола узунлиги 40 миллиметрдан ортиқ бўлган синфда жойлашиб, битта кўсақдаги пахта вазни 5,2–6,1г бўлган синфдаги ўсимликлар сони 2,7% ни ташкил қилди. Ушбу комбинациянинг чекланмаган шохланиш типига мансуб шакллариининг 19,0% ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 4,2–5,1г, тола узунлиги 40 миллиметрдан ортиқ бўлган синфидан ўрин олиб, 3,5% ўсимликлар 5,2–6,1г бўлган синфларда жойлашди. F<sub>3</sub> дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва ўсимликларнинг шохланиш типи билан ўзаро боғлиқлик нисбатлари бўйича изланишларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, тола чиқими паст (26,0–29,9%) бўлган ўсимликлар озчиликни ташкил қилиб, уларнинг улуши 1,4–1,8% га тенг бўлди. Чатиштириш комбинацияларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тола чиқими 36,0% дан юқори бўлган ўсимликлар миқдори


52,1–61,2 % ни ташкил этди.  $F_3$  O–69 х Сурхон–16 комбинациясида тола чиқими 36,0% дан, битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори бўлган ўсимликлар миқдори 25,6% ни ҳамда битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан ва тола чиқими 38,0 фоиздан юқори бўлган ўсимликлар улуши 11,8% ни ташкил қилди. Ушбу ўсимликларнинг асосий қисми битта кўсақдаги пахта вазни 4,2–5,1г бўлган синфлардан ўрин олганлиги аниқланди.  $F_3$  O–69 х O–71 дурагайининг чекланган шохланиш типига эга бўлган ўсимликларининг 43,0 фоизида тола чиқими 36,0% дан, битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори бўлганлиги қайд этилди. Бу натижа ушбу комбинациянинг чекланмаган шохланиш типигадаги ўсимликларига нисбатан 9,9% га кўпроқдир.

Битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан ва тола чиқими 38,0 фоиздан юқори бўлган ўсимликлар миқдори шохланиш типига боғлиқ бўлмаган ҳолда 9,2–9,7 фоизни ташкил этди. Ушбу ўсимликларнинг кўпчилигида битта кўсақдаги пахта вазни 4,2–5,1г бўлган синфларда жойлашди.  $F_3$  дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вазнининг 1000 дона чигит вазни ва ўсимликлар шохланиш типи билан ўзаро боғлиқлик нисбатлари аниқланди.  $F_3$  O–69 х Сурхон–16 дурагай комбинацияси ўсимликларининг 54,0 фоизи 1000 дона чигит вазни 121,0–140,0г бўлган синфлардан ўрин олиб, ушбу синфлардаги ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичи 4,2 граммдан юқори бўлган ўсимликлар миқдори 20,7 фоизга тенглиги аниқланди. Ушбу комбинация ўсимликларининг аксариятида, яъни 63,3 фоизида битта кўсақдаги пахта вазни 3,7–4,6г бўлганлиги кузатилди. 52,8% ўсимликларда битта кўсақдаги пахта вазни 3,7–4,6г ни ва 1000 дона чигит вазни 121,0–150,0 граммни ташкил қилди. Битта кўсақдаги пахта вазни 4,7 граммдан юқори бўлган ўсимликлар миқдори 2,8% бўлиб, уларда 1000 дона чигит вазни 131,0–150,0г бўлган синфлардан ўрин олганлиги кузатилди.  $F_3$  O–69 х O–71 ўсимликларининг 71,9–75,4 фоизида шохланиш типига боғлиқ бўлмаган ҳолда 1000 дона чигит вазни 121,0–150,0 граммни ташкил этди. Битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичи 4,2 грамм юқори бўлган синфларда 26,1–32,5%, ҳамда 3,7–4,1г бўлган синфларда 29,8–32,4% ўсимликлар жойлашганлиги аниқланди. Олинган маълумотлар асосида 1000 дона чигит вазни ва битта кўсақдаги пахта вазни белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган ўсимликлари шохланиш типига боғлиқ бўлмаган ҳолда тақсимланиши мумкин деб хулоса қилиш мумкин.

**« $F_2$ - $F_3$  дурагайларда қимматли хўжалик белгилари билан шохланиш типи ўртасидаги корреляция коэффициентлари»** деб номланган 3–бобнинг бешинчи қисмида тажрибаларда корреляция коэффициенти частиштириш комбинацияси, ўсимликнинг шохланиш типи ва дурагай авлодига қараб ўзгариши мумкинлиги баён қилинган. O–69 х Сурхон–16 дурагай комбинациясининг иккинчи ва учинчи авлодларида битта кўсақдаги пахта вазни билан тола чиқими белгилари ўртасида кучсиз салбий коррелятив боғлиқлик ( $r=-0,13-0,15$ ) қайд қилинди.  $F_2$  O–69 х O–71 дурагай комбинациясидан ташқари барча дурагай авлодларида битта кўсақдаги пахта вазни билан 1000 дона чигит вазни белгилари орасида ўрта коррелятив боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Битта кўсақдаги пахта вазни белгиси билан тола индекси белгиси орасида коррелятив боғланиш кўрсаткичи  $r=0,28-0,39$  га тенг бўлди. Ўрганилган дурагайлардан фақатгина  $F_2$  О-69 х Сурхон-16 комбинациясида бу кўрсаткич бирмунча кичик бўлиб, олинган натижа мос равишда  $r=0,17$  ни ташкил этди. Дурагай комбинациясидан ва авлодидан қатъи назар битта кўсақдаги пахта вазни билан тола узунлиги ўртасида кучсиз салбий корреляция қайд этилди.

Шунингдек, тола чиқими белгиси билан 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида эса ўрта даражадаги салбий коррелятив боғланиш аниқланди. Тола чиқими ва тола индекси ўртасида чатиштири комбинацияси, шохланиш типи ва дурагай авлодига боғлиқ бўлмаган ҳолда кучли коррелятив боғланиш борлиги аниқланди.



**Изоҳ:** 1. 1000 дона чигит вазни – шохланиш типи; 2. Тола чиқими – шохланиш типи; 3. Тола узунлиги – шохланиш типи; 4. Битта кўсақдаги пахта вазни – шохланиш типи; 5. Тола индекси – шохланиш типи.

**4-расм.  $F_{2,3}$  ўсимликларининг қимматли хўжалик белгилари ва шохланиш типи ўртасидаги корреляция коэффициенти**

Тола чиқими ва узунлиги, тола узунлиги ва 1000 дона чигит вазни ҳамда тола индекси ва узунлиги белгилари орасида кучсиз ва сезиларсиз коррелятив боғлиқликлар мавжудлиги ҳам кузатилди. Дурагай авлодидан қатъи назар тола индекси ва 1000 дона чигит вазни белгилари ўртасида ( $r=0,44-0,59$ ) юқори даражадаги коррелятив боғлиқлик мавжуд.

$F_2$  дурагайларида шохланиш типи ва асосий қимматли хўжалик белгилар ўртасида кучсиз коррелятив боғланиш кузатилган бўлса, учинчи авлод дурагайларида эса бу ҳолат сезиларсиз даражада бўлди (4-расмга қаранг).

Диссертациянинг « $F_1$ -  $F_3$  дурагайлар, яратилган оилалар, С-7721 нав ва Т-52 тизманинг қимматли хўжалик белгиларини шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида  $F_{1-3}$  дурагайларни ва тажрибалар асосида яратилган  $F_5$  оилалар ва С-7721 навининг шаклланиши очиб берилган.

2011–2013 йилларда олиб борилган тадқиқотларда  $F_{1-3}$  [ $F_4$  ( $F_8$  Л-817 х 010972) х Л-817) х Сурхон-16)] х СТ-175 дурагайлари ўрганилди. Тадқиқотлар асосида яратилган йирик кўсақли [ $F_4$  ( $F_8$  Л-817 х 010972) х Л-817) х Сурхон-16)] оилалари бир оз кечпишарлик билан тавсифланади ва уларни

тезпишарлигини ва очилиш суъратини ошириш учун 2010 йилда СТ-175 тизмаси билан чатиштирилди. [F<sub>4</sub> (F<sub>8</sub> (F<sub>1</sub> Л-817 х 010972) х Л-817) х Сурхон-16)] ва СТ-175 тизмаси ўртасида олинган дурагай ўсимликларни ўрганиш, ушбу дурагай популяцияларда юқори қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган биотиплар мавжудлигини кўрсатди. Бу кейинчалик бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги, 1000 дона чигит вазни бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган селекцион ашёлар яратиш имкониятини беради.

Тажрибалар асосида яратилган F<sub>5</sub> оилаларда ўсув даври Сурхон-9 ва Сурхон-16 навларига нисбатан 13-16 кунга кечпишарликни намоеън этди. Оилаларда битта кўсақдаги пахта вазни 3,6-4,9г бўлгани ва Сурхон-9 навига нисбатан 0,4-1,7 граммга, Сурхон-16 навга нисбатан 0,1-1,4 граммга юқори эканлиги аниқланди.

О-160, О-162, О-235 оилалари тола чиқими бўйича навларга нисбатан 0,2-1,4% га паст, қолган F<sub>5</sub> оилаларида тола чиқими 37,1-41,3% натижани намоеън қилди. 1000 дона чигит вазни F<sub>5</sub> оилаларда 108,0-138,7 граммни ташкил этди. Жумладан, навларга нисбатан белги бўйича О-223, О-235 оилалари паст натижаларни кўрсатди. F<sub>5</sub> оилалари эса навларга тенг ва бирмунча юқори натижаларни кўрсатди. F<sub>5</sub> оилаларида тола узунлиги 38,7-40,2 миллиметрни ташкил этди ва навларга нисбатан деярли катта фарқланиш кузатилмади.

2015 йилда F<sub>5</sub> [F<sub>4</sub> (F<sub>8</sub> (F<sub>1</sub> Л-817 х 010972) х Л-817) х Сурхон-16)] оилаларининг қимматли хўжалик белгилари ўрганилди. Бир дона кўсақдаги пахта вазни андозаларда 3,4-3,5г бўлгани ҳолда, оилаларда бу кўрсаткич 3,6 граммдан 4,0 граммгача ораликда бўлди. 4 та оилалардан ташқари қолганларида кўрсаткич 0,4-1,1 граммга юқори бўлди. Тола чиқими ўрганилган оилалар Сурхон-16 навига нисбатан яққол устунликка эга бўлди (1,9-5,9%), СТ-175 тизмасига нисбатан эса бир оз устунликка эга ёки тизма даражасидаги кўрсаткичларни кўрсатди. 1000 дона чигит вазни андозаларда 103; 114 граммни ташкил этди, ўрганилган оилаларнинг кўпчилигида андозага нисбатан кўрсаткичлар юқори бўлиб, 3,0-23,0 граммга устун бўлди. Айрим (8, 20, 22, 56) оилаларда 1000 дона чигит вазни 120-137г орасида бўлганлиги ва тола индекси кўрсаткичларига таъсир кўрсатди. Тола узунлиги бўйича кўпчилик оилалар (29-39 оилалар) дан ташқари андозалардан қолишмади, уларнинг бу белги бўйича кўрсаткичлари тегишли равшда 2,2-2,3 миллиметрга паст бўлди.

Яратилган янги С-7721 [F<sub>1</sub>V<sub>1</sub> [F<sub>1</sub> Т-817 х 010972) х Т-817] х Сурхан-9) х Т-741] (чекланган) навининг 2 йиллик маълумотларга кўра, умумий пахта ҳосилдорлиги ўртача 39,9-42,7ц/га. ни ташкил этиб, андоза И-9871 навига нисбатан 107,3-108,1% га серҳосиллиги кузатилди. Тола чиқими С-7721 навида 35,2-35,5% ни ташкил этиб, умумий тола ҳосили 14,2-15,0ц/га, андоза И-9871 навига нисбатан 127,9-129,3% га юқори эканлиги аниқланди. Ўрганилган С-7721 нави толасининг микронейр кўрсаткичи 3,9-4,3, тола узунлиги 1,37 дюйм, солиштирма узилиш кучи 36,9-41,7 г.к/текс бўлиб, олинган натижалар андоза навдан устун ва унга тенг даражада бўлди.

Чекланмаган шохланиш типига эга бўлган Т-52 [(F<sub>1</sub> Сурхан-10 х 010972) х Л-817] тизмасининг “Сурхон” тажриба хўжалигининг катта нав синови

кўчатзорида олинган 2 йиллик маълумотларга кўра умумий пахта ҳосилдорлиги 39,6-40,7ц/га ташкил этиб, андоза 9871-И навига нисбатан 103,0-106,5% гача, тола ҳосилдорлиги 127,6-129,7% гача юқори бўлди. Т-52 тизманинг тола микронейр кўрсаткичи 4,0-4,2, тола узунлиги 1,37 дюйм, солиштирма узилиш кучи 39,9-41,7 г.к/текс бўлиб, олинган натижалар андоза навадан устун ва унга тенг даражада бўлди.

## ХУЛОСА

1.  $F_1$  О-69 х Сурхон-16 дурагай комбинациясида битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг доминантлик даражаси ижобий ўртача, тола чиқими бўйича ижобий гетеросиз, тола узунлиги бўйича салбий гетеросиз ҳолати,  $F_1$  О-69 х О-71 дурагай комбинациясида эса ушбу белгилар аксариятида доминантлик даражаси салбий ҳолатда бўлганлиги кузатилган.

2.  $F_2$ - $F_3$  ўсимликларида шохланиш типи ўсув даври, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги, бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони, битта кўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги ҳамда 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг боғланмаган ҳолда, ҳосил шохлари сони, бош поя баландлиги ва тола чиқими белгиларининг ўзгарувчанлик чегараси билан боғлиқ ҳолда тақсимланиши қайд қилинган.

3. Чекланган шохланиш типига эга шакллар орасидан тола узунлиги 40 миллиметрдан, битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори, селекция нуқтаи назаридан қараганда, фойдали ўсимликларни кўпроқ ажратиб олиш мумкин.  $F_2$  дурагайлариининг 17,7-32,5% ўсимликлари чекланган, 11,8% ўсимликларининг чекланмаган шохланиш типига эга шакллар,  $F_3$  дурагайлариининг эса 49,1-57,4% ўсимликлари чекланган, 47,9% ўсимликлари чекланмаган шохланиш типигадаги шакллар ушбу курсаткичларига эга бўлганлиги аниқланган.

4. Битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан, тола чиқими 36,0% дан юқори кўрсаткичларга эга бўлган  $F_2$  дурагайлари ўсимликларини 7,1-15,3 фоизи чекланган, 6,8 фоизи чекланмаган шохланиш типига,  $F_3$  дурагайлари ўсимликларининг эса 22,8-24,5 фоизи чекланган ва 20,4 фоизи чекланмаган шохланиш типига эга бўлгани кузатилди.

5. Битта кўсақдаги пахта вазни 4,2 граммдан юқори, 1000 дона чигит вазни 121-150г бўлган ўсимликларнинг асосий қисми ҳам чекланган шохланиш типигадаги шакллар ҳиссасига тўғри келди.  $F_2$  дурагайларида чекланган шохланиш типига эга бўлган ўсимликлар улуши 41,6-42,4 фоизни, чекланмаган шохланиш типигадаги ўсимликлар миқдори эса 28,9 фоизни,  $F_3$  дурагайларида ушбу шохланишдаги ўсимликлар нисбати 27,0-32,5% ва 26,1 фоизни ташкил қилган.

6. Дурагай комбинацияларига боғлиқ ҳолда битта кўсақдаги пахта вазнининг тола чиқими ва тола узунлиги белгилари билан салбий ва ижобий кучсиз; битта кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни орасида ижобий ўрта; тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни орасида салбий кучсиз; тола узунлигининг тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни белгилари билан ижобий

кучсиз ва салбий кучсиз; асосий қимматли хўжалик белгилари ҳамда ўсимликларни шохланиш типи ўртасида эса ижобий кучсиз ва салбий кучсиз даражада коррелятив боғлиқликлар мавжудлиги кузатилган.

7. Чекланган шохланиш типига эга бўлган О-10, О-18, О-20, О-22, О-86, О-88, О-104, О-105 оилалари битта кўсакдаги пахта вазни (4,3–4,9г) ва 1000 дона чигит вазни (121,2–133,8г), тола чиқими (37,4–41,3%) белгилари бўйича ва чекланмаган шохланиш типига эга бўлган О-160, О-162, О-223, О-235, О-276 оилалари битта кўсакдаги пахта вазни (3,6–4,4г) ва 1000 дона чигит вазни (108,0–135,1г), тола чиқими (35,2–40,0%) белгилари бўйича юқори кўрсаткичларига эга бўлганлиги сабабли амалий селекцияда бошланғич манба сифатида фойдаланишга тавсия этилади.

8. Тадқиқотлар натижасида яратилган ингичка толали ғўзанинг С-7721 нави катта нав синовида юқори ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлганлиги учун ДНС нинг (Давлат нав синови) Грунт нав назоратига синаш учун топширилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И  
АНДИЖАНСКОМ СЕЛЬСКОХОЗЯСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**РАСУЛОВ ИЛХОМ МАХМУДОВИЧ**

**ИЗМЕНЧИВОСТЬ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫХ ПРИЗНАКОВ У  
ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА *G. BARBADENSE* L. В ЗАВИСИМОСТИ  
ОТ ТИПА ВЕТВЛЕНИЯ**

**06.01.05 – Селекция и семеноводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ– 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD/Qx94**

Диссертация выполнена в научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Усманов Сергей Анварович**

кандидат сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Наримонов Абдужалил Абдусаматович**  
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

**Холмуродова Гузал Рузиевна**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Национальный университет Узбекистана  
им. М.Улугбека**

Защита диссертации состоится «19» мая 2018 года. В 13:30 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университетская, дом 2. Тел./Факс (+99871) 260-48-00. e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета 1 этаж, конференц зал

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентский государственный аграрный университет (зарегистрирована за № 535224) 100140, г.Ташкент, ул. Университетская дом 2. Тел./Факс (+99871) 260-48-00. e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «5» мая 2018 года  
(протокол рассылки № 12 от «31» марта 2018 года)

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.с/х.н., доцент

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.с/х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

